



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 16 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 216 (13.813)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ОДАМЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 15 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифлари чоғида ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб берган эди. Ўтган даврда ҳудудда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида кенг қўлмали ободонлаштириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимиз дастлаб Нукус халқаро аэропортида амалга оширилган модернизация ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил январь ойидаги ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижроси доирасида бу ерда қарийб 80 миллиард сўмлик иш бажарилган. Аэропорт биноси реконструкция қилиниб, терминал кенгайтирилган, замонавий жиҳозланган.

Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропорти Қорақалпоғистон иқтисодий ривожлантириш, бизнес алоқаларни кенгайтириш, туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги "2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилатиб сўғриш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмин ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

2019 йилда Мўйноқ туманида яна кўпгаб – саноат соҳасида 12 та, қишлоқ ҳўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объекти қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази тақдиротида унинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу инновация маркази Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 август куни бўлиб ўтган Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида билдирган ташаббуси натижасидир. Ушундан Президентимиз Оролбўйи ҳудудига инновацион ечимлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар бўйича муҳим тақлифларни илгари сурган эди.

Кўп ўтмай, 2018 йил 16 октябрь куни Ислон тараққиёт банки ва Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро марказининг илмий-техник кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот ва амалий ишлар қўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилашга илғор тажрибалар ва инновацияларни жорий этиш, сахрони дархатзорга айлантириш, қўқоқчиликни бошқариш, чорвачиликни ривожлантириш каби вазифалар унинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Ҳозирги кунда бу мақсадлар учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, халқаро ташкилотлар, жумладан, Франция тараққиёт агентлиги маблағлари йўналтирилмоқда.

Ҳудуд ҳаёти учун яна бир аҳамиятли лойиҳа Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси ҳамда Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Орол денгизининг қуриган тубида 500 минг гектар ўрмон барпо этиш лойиҳасидир. Шу пайтгача яратилган яйловлар бунинг имкони борлигини кўрсатмоқда. Яқин уч йилда яна 500 минг гектар майдонда ўрмон барпо этилиши Оролбўйидаги экологик ва иқтисодий ҳолатни анча яхшилайди. Туз учини ва ернинг шўрланиши камайиб, чорвачилик учун улкан озуқа манбаи яратилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур режаларни маъқуллаб, уларни тез вақтларда амалга ошириш ва янада ривожлантириш учун зарур қўмак берилишини таъкидлади. Мўйноқнинг мавжуд салоҳияти, табиий имкониятларидан фойдаланиб, керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, Мўйноқда қамиш кўп. Уни қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиб, бозорбоп қуриш материаллари тайёрлаш, ёшларни иш билан таъминлаш мумкин. Худуднинг яна бир имконияти – сув ҳавзалари. Уларда балиқчиликни ривожлан-

тириш, балиқни қайта ишлаб сотиш орқали оила-ларга барака киради.

Мўйноқда чорвачилик, айниқса, эчкичиликни ривожлантириш ҳам мумкин. Эчки ҳар қандай муҳитга яхши мослашади, озуқа танламайди. Унинг жунидан кундалик эҳтиёж товарлари тайёрлаб сотиш хотин-қизлар учун иш ўрни бўлади.

Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу – Мўйноқ аҳолиси, деди Шавкат Мирзиёев. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнат-кашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак.

Шу боис Президентимиз келгуси икки йилда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берди. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгиликларни жорий этиш, намунавий инфратузилма яратиш зарурлигини таъкидлади.

Экология музейи залида маҳаллий аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотда ана шу улкан режалар ҳақида сўз борди. Шавкат Мирзиёев Мўйноқ ривожига янги давр бошланиши, замонавий уй-жойлар ва корхоналар қурилиши, туман ёшларининг олий ўқув юрталарига кириши учун имтиёзлар берилишини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг ташрифи, туманни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратаётган эътибори мўйноқликларга катта қувонч бағишлади.

Давлатимиз раҳбари Қанликўл туманида барпо этилган "Kanteks invest" тўқимачилик корхонаси билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил январь ва декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Қанликўл туманида йирик тўқимачилик корхонаси ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ўтган вақт мобайнида корхона учун 10 гектар ер ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Корхонани барпо этиш энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тажрибали бўлган "Kanteks invest" МЧЖ томонидан амалга оширилди. Натижада яйдок ерда замонавий тўқимачилик фабрикаси қад ростлади.

Айни пайтда корхонага Германия, Швейцария, Туркия ва Хиндистондан сўнги рўсумдаги тўқимачилик дастгоҳлари келтирилиб ўрнатиш ишлари олиб борилмақда.

Лойиҳа қиймати 38,7 миллион АҚШ доллари бўлган корхонани келаси йил биринчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган. Бу ерда дастлабки босқичда йилга 11 минг тонна сифатли ип-кала ва ишлаб чиқарилади. 2020 йилда рўёбга чиқариладиган навбатдаги босқичда тўқимачилик матоси тайёрлаш, 2021 йилда амалга ошириладиган учинчи босқичда бўяш ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилга қиймати 25 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг ишлаб чиқариш биноси, тўқимачилик дастгоҳларини кўздан кечирди, таъсисчилар билан сўхбатлашди.

650 га яқин киши иш билан таъминланадиган фабрика учун бугунги кунда ишчилар танлаб олинди, шу ернинг ўзида ташкил қилинган ўқув марказида ўқитилмоқда, шунингдек, бошқа ҳудудлардаги корхоналарда билим ва малакаси оширилмоқда.

Шу ерда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ип-кала ва экспортни камайитириш, жинси матоси, момик сочлик ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини кластерларга бериш, ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини ошириш ҳақида сўз борди. Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаларининг амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, жумладан, ноябрь ойида фаолият бошлаган "Lanko Miya" МЧЖ қўшма корхонасида қизилмия экстрактидан Европа бозори учун мўлжалланган қандолат маҳсулотлари, шоколад учун ингредентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз раҳбаридан катта қизиқиш уйғотди. Қорақалпоғистонда қизилмия плантацияларини кўпайтириш, хорижий шериклар билан водород-пероксид заводини ишга тушириш, инвесторлар учун боғхона тўлови, маҳсулотни стандартлаштиришни энгиллаштириш, "Нукус-фарм" ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония, Кувайтдаги элчихоналари томонидан ушбу давлатлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар тақдиротининг эътиборли жиҳати бўлди. Президентимиз топшириғи асосида элчиларимиз томонидан ушбу мамлакатлар билан Қорақалпоғистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани, жумладан, жалб қилинаётган инвестициялар ҳисобига замонавий автоматлашган цемент ва локбўёқ заводлари ишга туширилиши ва бошқа катта

ҳажмли лойиҳаларни татбиқ этишга киришилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон келгуси 2-3 йилда бутунлай ўзгариши керак. Элчилар келиб, бу ерда уй-жой, йўл инфратузилмаси, таълим, ижтимоий соҳа, сув таъминоти каби йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларига тақлифлар бериши зарур. Энг муҳими, ушбу ишларнинг самараси қорақалпоғистонликлар ҳаётида сезилиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, узумчилик кластерлари ташкил этиш ҳисобига ушбу тармоқларни ривожлантириш, хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилишни кўпайтириб, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, худуднинг экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, янги замонавий тиббий муассасалари бунёд этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинаётди.

Бу борада Оролбўйи аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган 2017-2018 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, мазкур дастур асосида 36 объектда 84 миллиард сўмликдан зиёд иш бажарилди, 2,8 миллион долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. 2 минг 365 шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, 53 шифокор хорижда малака оширди. 72 замонавий автотранспорт воситаси келтирилди.

"Кўнғирот" овул фуқаролар йиғинидаги 23-оилавий поликлиника ҳам жорий йилда реконструкция қилинди. УТТ, ЭКГ, биоиммун анализатор каби замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишди.

Муассаса "Кўнғирот", "Шуманай", "Қангли" овул фуқаролар йиғинлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Поликлиникада 5 ўринли стационар ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаси ташкил этилган. Аёллар маслаҳатхонаси, ижтимоий дорихона, фитобар аҳоли хизматида.

Президентимизга мобил офтальмологик клиника фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди. "Isuzu" автобусида ташкил этилган ушбу мобил клиника кўз касаллигига чалинган беморларни жойларда чўқур текширувдан ўтказиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлигини мухтаб камлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини, айниқса, хотин-қизлар ва болалар соғлиғи учун барча шароит яратилишини таъкидлади.

Президентимиз Кўнғирот туманидаги "Wunderkinds in Kungirad" мактабгача таълим муассасасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз тарбиясининг биринчи ва муҳим бугини – мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келади.

Кўнғирот тумани "Кўнғирот" овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган "Wunderkinds in Kungirad" давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасасига 90 дан зиёд бола қамраб олинган.

Мазкур боғча жорий йил 7 ноябрь куни фаолият бошлаган. Тадбиркор Дилноза Абдуллаева март ойида ҳудуддаги ташландиқ бинони "ноль" қийматда олиб, уни замонавий мактабгача таълим муассасасига айлантирди. Бунинг учун "Ўзсаноат-қурилишбанк"дан 1,5 миллиард сўм кредит ажратилди. 500 миллион сўм ўз маблағини сарфлади. Боғчада болаларга рус, инглиз тиллари интерфасол усулларда ўргатилади. Спорт тўғрақлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди.

Фарзандларимизни болалигидан соғлом, ақлли қилиб тарбияласак, эртага мактабга билимли ёшлар келади. Мактабни ўқувчилар ҳар томонлама билимли бўлиб битирса, институтларимизга илм-маърифатли, маънавиятли ёшлар боради, мамлакатимиз учун яхши кадрлар етишиб чиқади. Шунинг учун мактабгача таълим доим диққатимиз марказида бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга Қорақалпоғистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Есимхон ҚАНОАТОВ,  
ЎЗА Махсус Кўнғиротлари**

**XXI саҳоси**  
**асри**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пискент туманида Зулфия номидаги Давлат муқофотида номзодлар кўриктанловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Жорий йилги танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 1000 дан ортиқ қиз иштирок этиб, улардан 160 нафари вилоят босқичида фан, таълим, санъат, маданият ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Ҳакамлар ҳаётият томонидан йўналишлар бўйича голиблар аниқлашиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

● Наманганда вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузуридаги Йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ИИБ ЙХБ томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, бу борада 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва уни 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди.

● "Ёш китобхон" танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 45 нафар ёш китобсевар ўз билимини синовдан ўтказди. Турли ёш тоифалари бўйича уч кун давомида иштирокчилар "Буюк мутафаккир ва адиб" ҳамда "Бадиий асарлар билимдони" шартлари бўйича баҳслашди. Голиблар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан қимматбаҳо совғалар, диплом ва сертификатлар билан тақдирланди.

● Термизда "Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси – тараққиёт омили" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органилари, фуқаролик жамяти институтлари вакиллари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

● Германия Федерал канцлери Ангела Меркель НАТОга ҳеч қандай дахли бўлмайдиган Европа Бирлашган қуролли кучларини ташкил этиш ҳақидаги Франция президенти Эммануэл Макроннинг тақлифини қитъа давлатлари раҳбарлари ўртасида иккинчи бўлиб қўллаб-қувватлади.

● Об-ҳавонинг кескин ўзгариши – кучли шамол эсиши ва тинимсиз ёмғир қуийши туфайли Кувайт аэропортларидаги барча ҳаво рейслари бекор қилиниб, самолётлар Дубай ва Бахрайндан парвоз қиладиган бўлди. Табиий офат натижасида бир киши ҳаётдан қўз юмди.

● Аргентиналик ошпазлар Буэнос-Айрес шаҳрида ўн икки соат давомида ўн бир мингта пиццани тайёрлаган ҳолда бундан бир неча йил аввал италияликлар ўрнатган рекорддан ўзиб кетишди ва Гиннеснинг Рекордлар китобидан ўрин олишга муваффақ бўлишди. Катта миқдордаги пиццаларни тайёрлаш учун уч минг килограмм ун, 150 литр ёғ, 88 минг дона зайтун ва бошқа масалликлардан фойдаланилди.

# САЙЛОВ КОДЕКСИ САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ КЎПЛАБ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИГА АНИҚЛИК КИРИТАДИ

**Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш бўйича демократик ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бу босқичнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда сайлов тизимини демократлаштириш жараёни кечаётгани шу мақсадга хизмат қилади.**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилди. Бу соҳада қабул қилинган 6 та қонун ва бир қанча қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳанузгача ягона ҳужжат сифатида бирлаштирилмагани, шу муносабат билан халқро нормалар ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлиф этилди.

Дарҳақиқат, сайлов тизими демократик жамият сиёсий тизимининг муҳим хусусияти бўлиб, сайланадиган давлат органларини шакллантириш тартиби ва принципларини, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуини акс эттиради.

Конституцияимизда фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири сифатида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишга доир ҳуқуқи назарда тутилган. Масалан, Бош қомусимизнинг 32-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялари ва бошқа идоралар билан бирга ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг лойиҳасини кенг муҳокама қилиш жараёни давом этмоқда. Лойиҳа сайловни кузатиш бўйича халқро ташкилотлар миссиялари, шу жумладан, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, МДХ, Бутунжазон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Бу жараёнда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациялаш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш миллий амалиётини умумлаштириш, шунингдек, хорижий тажрибани ўрганишга ҳам эътибор қаратилган.

Сайлов кодексининг лойиҳаси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, Президент, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиадиган амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунлар нормаларини бирхиллаштиришни назарда тутди.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши қонун ҳужжатлари нормалари тақрирларининг олдини олиш, сайлов жараёнининг кўпга тартиб-таомиллари масалаларига аниқлик киритади. Жумладан, участка сайлов комиссиялари ишларини оидинлаштириш, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошқоралиги тамойилларини мустаҳкамлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш, аниқлаштириш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда шаффофлик тамойилини таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Сенати аъзолари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ сайланади. Сайлов кодекс лойиҳасини тайёрлашда мазкур норма бутун сайлов жараёни қонун нормалари билан тартибга солиниши зарурлиги ҳақидаги халқро талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама муҳокама қилинди. Лойиҳада Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш, шу жумладан, тақрир овоз бериш ва тақрир сайлов ўтказишининг тартиб-таомили мустаҳкамлаб қўйилмоқда, шунингдек, бўшаб қолган Сенат аъзолари сайлови ўтказиш муддатлари белгиланмоқда.

Лойиҳада, шунингдек, Ўзбекистон сайловчилари ягона электрон рўйхатининг амал қилиши тартиби мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги вақтда уни сайлов жараёнига табиқ этиш дастури яратилган бўлиб, 2017 йил декабрда Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлари сайловида муваффақиятли синовдан ўтди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида сиёсий партияларнинг иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилди. Халқ депутатларининг туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида фақат сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш мутлақ ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг қабул қилиниши сайлов тўғрисидаги қонунларни бирхиллаштириш ва янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Светлана ОРТИКОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари

**Пойтахтимиздаги “Ўзқоспозор” миллий кўргазмалар мажмуасида “Кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя – Securika Central Asia – 2018”, “Транспорт ва Логистика – Trans Uzbekistan – 2018”, “Тоғ-кон ускуналари, қазиб чиқариш, руда ва минералларни бойитиш – MiningWorld Uzbekistan – 2018” халқро кўргазмалари ҳамда “Металлургия. Машинасозлик. Дастгоҳсозлик – Machinery Central Asia – 2018” Марказий Осиё халқро кўргазмалари бўлиб ўтди.**

“Itaca Exhibitions” халқро кўргазмалар ва “Kongress Servis” компаниялари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмаларда кўпга маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирок этмоқда.

Бу кўргазмаларни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим бўлган транспорт ва логистика, металлургия, машинасозлик, дастгоҳсозлик, кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя йўналишларини бутунги кун талаби даражасида ривожлантириш, янги технологияларни татбиқ этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатилган қаратилган. Эътиборли жиҳати, мазкур кўргазмалар намоиши компаниялар фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб, уларнинг ҳар жиҳатдан имкониятлари кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон олтин, уран, мис, тош ва калий тузлари захираси бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари ўнгаллигида туради. Мамлакатимизда айтиш мумкин бўйича кўпга завод ва цехлар фаолияти йўлга қўйилган. Навоий кон-металлургия, Олмалик кон-металлургия комбинатлари фаолияти эса бу борада асосий ўринни эгаллайди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ушбу тармоқ раёқда алоҳида аҳамият касб этиб, келгусида соҳа истиқболлини белгилашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шу маънода ташкил этилган “Machinery Central Asia – 2018” ўн биринчи халқро кўргазмаси бу гал 17 давлатдан келган 68 компаниянинг режаларини бир мақсадга бирлаштирди.

Австралиянинг “Micromine” компанияси ҳам улардан бири. Компания тоғ-кон ишини замонавий электрон дастур асосида бошқаришга ихтисослашган. Ўттиз

## Кўргазма

# МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН МАЙДОН



йилдан буён фаолият кўрсатаётган компаниянинг кўпга давлатларда ваколатхоналари очилган.

– Мамлакатимизда компаниянинг ваколатхонаси 2015 йилдан буён ишлаб келмоқда, – деди “Micromine” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Умид Мансуров. – Мақсадимиз юртимиз тоғ-кон соҳасини ривожлантириш, хорж инвестициясини жалб қилиш ва ёшларнинг шу йўналишга бўлган қизи-

**Миллий матбуот марказида “Синов натижалари халқро даражада тан олинини янада лабораторияларнинг ўрни ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.**

# МАҚСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ АМАЛИЁТДА

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт”) томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда тадбиркорларга қулайликлар яратиш, мақсулотларни халқро стандартлар талабларига мувофиқ сертификатлаштириш ва синаш, илғор давлатларнинг бой тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбек – Турк тест маркази” қўшма корхонаси фаолияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

Айни пайтда “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда Турк стандартлари институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қўшма корхонада мақсулотларни сертификатлаштириш, сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш идоралари ва синав лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Уларда энгил саноат, электротехника, машинасозлик мақсулотлари сертификатлаштирилмоқда. Хизмат кўламини ошириш мақсадида қўшма корхона таркибиде сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш идораси ташкил этилди. Шунингдек, унда кўрсатилаётган хизматларнинг халқро миқёсда тан олинини таъ-

минлаш мақсадида халқро аккредитациядан ўтказилди.

– Ҳозирга қадар 70 дан зиёд корхонага ISO 9001:2015 халқро стандарти берилди, – дейди “Ўзбек – Турк тест маркази” қўшма корхонасининг мақсулотларни сертификатлаштириш идораси раҳбари Бекзод Шахрипов. – Корхонанинг синов мажмуаси таркибиде замонавий халқро стандарт талаблари асосида тўқимачилик ва пойбзал мақсулотлари, электр-ҳўжалик моллари ва кичик қурилишдаги аппаратларни, ўйинчоқ ва турли хилдаги идиш-товуқ мақсулотларини синаш лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Хоналар барча турдаги замонавий техника билан жиҳазланган. Ходимлар малакасини ошириш ҳам тизимли йўлга қўйилган. Ҳар икки йилда хориждан мутахассислар жалб қилиниб, ишчиларга махсус ўқув дарслари ташкил этилади.

Тадбирда соҳа мутахассислари қўшма корхона фаолиятига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди, келгусидаги режалари ҳақида маълум қилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

# ТАДБИРКОРЛИК ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**“Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ “Ўздавэнегронзорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимида электр энергетика соҳасида нормалар ва қондаларга риоя этилишида қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлашни муҳокама қилиш бўйича “Очиқ эшиклар куни” ва инспекция ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган аҳолининг ариза, тақлиф ва шикоятларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш юзасидан “Ўздавэнегронзорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан “Ишонч телефони” ташкил этилган.**

Таъкидлаш жоизки, “Очиқ эшиклар куни”ни ўтказишдан мақсад энергетика соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, қонунқондаларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда бошқа масалалар юзасидан тушунтириш ишларининг олиб борилишини ташкил этиш ва таъминлашдан иборат.

Инспекциянинг Тошкент

шаҳар бўлимида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунинда “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган бўлиб, 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида мурожаатлар кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Истеъмолчилар ва энерготўловчилар корхоналари ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликлар бартараф этилмоқда.

Шунингдек, 9 ой даврида “Ишонч телефони”-

га келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти электр энергия таъминоти билан боғлиқ масалалар бўйича бўлганлиги сабабли “Тошкент шаҳар ЭТК” ОАЖ билан биргаликда муҳокама қилиниб, кўтарилган масалалар ўз вақтида ижобий ҳал этилмоқда.

**Д.АБДУРАХМАНОВ,**  
“Ўздавэнегронзорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

рини намоиш этияпмиз. Бу дастурлар асосида ишлаш етарли натижаларга эришишда қўл келади.

“Securika Central Asia – 2018” ўнинчи кўргазмаси замонавий кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя воситаларини намоиш этиадиган халқро майдондир. Унда бу сафар етти давлатнинг 30 дан ортиқ компанияси ўз мақсулотларини тақдим этмоқда.

– Юз нафардан ортиқ ишчига эга корхонаимизнинг имкониятлари йилдан-йилга ортиб бормоқда, – деди Москва шаҳридаги “Пожарная автоматика” масъулиети чекланган жамияти вакили Александр Дробжев. – Бунда жамоанинг янгиликларга бўлган қизиқиши, изланиши ва бу каби кўргазмаларда иштирок этаётгани асосий омили бўлмоқда. Юртингизда айнавий ўтказилаётган ушбу кўргазмада биз иккинчи бор қатнашяпмиз. Биргина ўтган йилда кўпга ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан алоқаларни йўлга қўйдик. Бугунги кунда уларга корхонамизда ишлаб чиқарилган ўт ўчириш қурilmалари, ёнғин сигнализациялари, ўт ўчиргичлар етказиб бермоқдамиз. Бу борада шартномалар тузишга ҳам улгурдик. Бу галги кўргазма ўтган йилгидан анча фарқ қилади. Чунки иштирок этаётган компаниялар сони ва бундай мақсулотларга талаб ҳам ошгани яққол кўриниб турибди. Бу ердаги ташкилий ишлар эса мактовга аригуликдир.

“Trans Uzbekistan – 2018” ўн бешинчи кўргазмаси павильонларида Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Туркия каби давлатларнинг компаниялари транспорт-логистика хизматлари, ҳаракатдаги поездлар ва темир йўл инфратузилмаси, авто эҳтиёт қисмлари, тежорат транспорти, йўл инфратузилмаси, ҳаракатлар хавфсизлиги бўйича янгиликларини тақдим қилаётган бўлса, “MiningWorld Uzbekistan – 2018” ўн учинчи кўргазмаси намоишчи эса Ўзбекистон, Россия, Германия, Хитой, Дания, Испания, Қозоғистон сингари мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва мутахассислари мақсадларини бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ НЕГА ТЎЛИҚ ЎЗЛАШТИРИЛМАГАН?

**Парламент куйи палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетининг 2018 йил тўққиз ойидаги ижроси ҳамда 2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси кўриб чиқилди.**

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 30 триллион сўм режалаштирилиб, ҳақиқатда 28,89 триллион сўм ёки умумий харажатларнинг 53,4 фоизи микдориде маблағ сарфланди. Депутатлар таълим тизими муассасаларини сақлаш, уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан ажратилган 13,63 триллион сўм маблағ ишлатилганига жиддий эътибор қаратди.

Ушбу маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланмаган. Жумладан, мактабга таълим муассасаларига марказлашган тартибда меъбел ва бошқа жиҳозлар тартиб олиш харажатлари, ўқув қўлланмалар ва дидактик материаллар харид қилиш, умумтаълим муассасаларини дарсликлар билан таъминлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларига қишки кийимлар харид қилиш учун ажратилган жами 84,6 миллиард сўм микдориде маблағлар ўзлаштирилмаган. Фракция аъзолари бу ҳолатни тегишли соҳа масъул ходимларининг масъулиятсизлиги, дея баҳолади.

Йиғилишда илм-фан ва инновацияларни жорий этишга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмагани ҳам танқид қилинди. Хусусан, устувор инновация, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, стартап лойиҳалари учун жорий йилнинг июль ойида 50 миллиард сўм микдориде бюджет маблағлари ажратилган. Лекин бугунги кунда ушбу маблағ ўзлаштирилиши таъминланмаган.

Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар микдори ўтган йилнинг мисо даврига нисбатан қарий 25,8 фоиз ўсган. Йиғилишда Президентимиз томонидан ушбу соҳага доир қабул қилинган ҳужжатлар ижроси учун режалаштирилган 129,9 миллиард сўм микдориде маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмагани эътирозларга сабаб бўлди.

Йиғилишда 2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси кўриб чиқилди. Эътироф этилганидек, 2019 йилда ҳам аввалги йиллар сингари Давлат бюджетиде ижтимоий харажатларнинг устуворлиги сақлаб қолиниши ва ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар 57,82 триллион сўмни ташкил этади. Бу Бюджетнома лойиҳасининг халқчиллиги ва ижтимоий йўналтирилганини кўрсатади.

2019 йилда мактабга таълим муассасаларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан ўтган йилга нисбатан 51 фоиз кўп, яъни 4,2 триллион сўм маблағ йўналтириш белгиланмоқда. Бунда мактабга таълим муассасаларида сифатли оқватлантиришни ташкил қилиш учун бюджетдан қўшимча 360 миллиард сўм ажратилиш кўзда тутилган. Пиравардида, мактабга таълим муассасаларида болалар қамрови 35 фоиздан 45,4 фоизга ошиши таъминланади.

Фракция аъзолари 2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси бўйича тақлиф ва тавсияларини билдирди. Жумладан, мактабга таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилишни режалаштиришда асосий эътиборни бола қамрови ўртача кўрсаткичидан анча кам бўлган Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларига қаратиш зарур. Тиббиёт муассасаларини дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратиладиган маблағларни худудлар кесимида адолатли тақсимлаш тизимини жорий этиш, умумтаълим муассасаларида стоматология хонасини ташкил қилиш, даволаш-профилактика ишларини самарали йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Фракция йиғилиши якулини бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам ушбу масала кун тартибидан ўрин олди.**

2018 йилги Давлат бюджетидан алоҳида тоифадаги фуқароларга уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари учун 57,8 миллиард сўм ажратиб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидеги кам таъминланган оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам учун қўшимча равишда 5 миллиард сўм маблағ ажратилгани, болаликдан ногиронлар учун тўланадиган нафақаларга эса 787,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилганига эътибор қаратилди.

Фракция йиғилишида шаҳарларда кўп квартирли арзон уйлар қурилиши, реконструкция қилиниши, қишлоқ жойларда янгиланган замонавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурларини, “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурини молиялаштириш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида берилётган ипотека кредитларининг мақсадли сарфланishi масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, эҳтиётманд оилалар учун қурилатган арзон уй-жойларнинг сифати ва адолатли тақсимланиши бўйича олиб берилган депутатлик назорати натижалари таҳлил қилинди.

Йиғилишда баъзи соҳаларга ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмагани танқид қилинди. Хусусан, чекка худудларда тоза ичимлик суви долзарб масала бўлиб турган бир пайтда соҳага ажратилган маблағнинг тўлиқ ўзлаштирилмагани ачинарли ҳолат экани айтилди.

2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси қизгин фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди.

2019 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида соғлиқни сақлаш тизимига 12 триллион 88 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Бу 2018 йилга нисбатан 30,5 фоиз кўпдир. Мазкур маблағ биринчи тиббий ёрдам хизмати, оилалар соғлиғини мустаҳкамлаш, она ва бола ҳимояси, тиббиёт муассасаларида ижтимоий доққоналарнинг сифатини кучайтиришга сарфланади.

Фракция аъзолари соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган маблағлар тақсимотида асосий эътиборни касалларга ажратилаётган дори-дармонлар учун қаратишни ҳамда ушбу маблағ микдорини қайта кўриб чиқишни тақлиф қилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**

**ЎЗА мухбири**

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
41-моддасидан

**Фарзандларимизнинг таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқи улар ҳали мактаб ёшига етмасидан амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим тизимининг янгича шакли болаларни ҳар томонлама баркамол, етук қилиб тарбиялашга қаратилган.**

Президентимиз яқинда имзолаган қарорга мувофиқ мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартлари ишлаб чиқилмоқда. 2030 йилгача Мактабгача таълимни ривожлантириш концепцияси ҳам ишлаб чиқилади. Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурда Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази фаолияти ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг "Эрта ва мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълими ва тарбияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Унда болаларни кичик ёшдан бошлаб ақлий ривожлантириш, дунёқарашини баркамол шакллантириш каби жиҳатларга эътибор қаратилади.

Мактаб ёшидаги фарзандларимизнинг мукамал таълим олиши учун тизим такомиллашмоқда. 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига ўтиладиган кўзланган мақсад ҳам шунга қаратилган. Янги тизим бўйича 10-, 11-синф ўқувчиларига икки йил давомида касбий таълим берилди, 11-синфдан бошлаб "Тадбиркорлик асослари" фани ўқитилади.

Эътиборлики, битирувчи ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан бирга касб малакаси бўйича диплом берилди. Касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари негизда ўқув ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди. Шунингдек, турли фанларга ихтисослаштирилган мактаблар сони кўпайтирилди.

Таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатилган мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди. 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Таълим муассасаларида олий маълумотли педагог кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида махсус сиртки бўлимлар ташкил этилди. Шу билан бирга, олий ўқув юртига қабул квоталари 20 фоизга оширилди. Маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, муסיқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга

қабул қилиш тест синовларисиз, фақатгина ижодий имтиҳонлар орқали амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда жами 86 олий таълим муассасаси ҳамда чет эл олий таълим муассасаларининг филиал-

Амалиётда давлат грантлари асосида битирувчиларни ишга тақсимлаш ва уларга дипломларни тақдим этишда бир қатор муаммоли масалалар ҳам учрамоқда. Хусусан, магистратура ёки ундан кейинги босқичда ўқишни республика ҳудудидан ташқарида давом эттиришни хоҳлаётган битирувчиларга ёки оилавий шароитларидан келиб чиқиб, бакалавр дипломини олишга зарурат туғилганда битирувчилар турли оворагарчиликка дуч келмоқда. Бу муаммони бартараф этиш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мониторинг қилиш ва ҳар томонлама пухта ўйланган ҳужжат қабул қилиш мақсада муво-

Маълумотларга кўра, олий таълим муассасаларида жами 184 талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сигими 50 минг 576 нафарни ташкил этади. Айни пайтда 56 минг 405 нафар (21 мингдан зиёди кизлар) талабаларнинг ётоқхонага эҳтиёжи бор. Бу эса айрим талабаларнинг моддий ва маънавий аҳволига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси ҳамда бино ва иншоотларининг ҳолатида ҳали-ҳануз муаммолар йўқ эмаслигини қайд этиш жоиз. Мактабларда тиббий хизмат ва соғлом овқатланишни ташкил этишга ҳамон етарлича эътибор қаратилмапти.

Афсусланарлики, жойларда юқори малакали педагог кадрларга эҳтиёж катта. Умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари турли тўғарақлар, жумладан, фанлар бўйича тўғарақлар фаолияти ҳам тизимли йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда нодавлат таълим муассасалари ва ўқув марказлари фаолияти кенг йўлга қўйилди ва барча керакли имкониятлар яратилди. Бироқ ўқитувчилар томонидан уйда репетиторлик билан шуғулланиш орқали турли фанлардан ўқувчиларга дарс бериш ҳолатлари ҳудудларда, айниқса чекка қишлоқларда кўп учирайди. Репетиторликни амалга оширишни ҳам тизимли амалга ошириш механизмини яратиш вақти келди.

Бугунги кун тақозо қилаётган бу каби муаммоларни бартараф этиш, уларнинг оқилона ечимини топиш таълим тизимининг сифати ошишига, фарзандларимизнинг етук билими, комил инсон бўлишига хизмат қилади.

**Гавхар АЛИМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш  
масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

## ТАЪЛИМ СИФАТИ ОШИШИ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК?

лари мавжуд. Жорий ўқув йилида сиртки таълим шакли бўйича бакалавр йўналишида 51 олий таълим муассасасига, кечки таълим шакли бўйича эса 9 олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш амалга оширилди. Шунингдек, 22 олий таълим муассасасида махсус сиртки бўлимлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиш борасида келишувларга эришилди.

Амалга оширилган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда тизимда айрим масалаларга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Хусусан, 2016-2017 ўқув йилида республикада мавжуд 70 олий таълим муассасасини 65 минг 223 нафар талаба тамомлаган. Шулардан 55 минг 796 нафарининг бандлиги таъминланган бўлса, 182 нафари фан соҳасига жалб этилган. Бу эса фан соҳасидаги изланишларга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Яна бир муҳим масала – олий таълим муассасалари битирувчиларининг эгаллаган касби бўйича иш билан таъминланишида турли қийинчиликлар мавжуд. Ҳар бир ҳудудда ҳамда марказлашган ҳолда қорхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд иш ўринлари, олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлашга ва маълумотлар базасини шакллантиришга эҳтиёж бор.

## Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги XII Пленуми бўлиб ўтди.

### САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, маҳаллий Кенгашлар раислари, ижрочи қотиблар, партия фаоллари ҳамда ОАВлари вакиллари иштирок этиди. Тадбирда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросининг таъминланишида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг 9 ойлик фаолияти муҳокама қилинди.

Пленумда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Равшан Талиповнинг маърузаси тингланди. Жумладан, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури бажарилиши юзасидан партия Ижроия Қўмитасининг 2018 йил 29 январдаги қарори билан жорий йилга мўлжалланган иш режа асосида партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳалар асосида тизимли ишлар амалга оширилди. Йил бошидан буюн 20 дан ортиқ қонун лойиҳалари жойларда муҳокамадан ўтказилиб, 40 га яқин тақлифлар олинди. Шунга қарамай, ҳали бу тизим ишлашни қонқарли, деб бўлмади. Сабаби, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси учун маҳаллий Кенгашларга ўз вақтида юборилишига қарамай, чўқур таҳлил қилинмаган, энгил-елпи тақлифлар ҳам тақдим этиш ҳолатлари кузатилди. Масалан, ўтган 9 ой даврида "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳаларига Мирзо Улуғбек, Бектемир,

Яшнобод туман Кенгашлари томонидан бирорта ҳам асосли тақлиф ёки муносабатлар билдирилмаган.

Бундан ташқари, партиянинг "Мактабгача таълим – кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўлини" лойиҳаси доирасида партия фаоллари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан Тошкент шаҳри бўйича мавжуд 447 та мактабгача таълим муассасаларидан 228 тасида (51 фоиз) ўрганишлар олиб борилди. Ўрганилган 228 та мактабгача таълим муассасаларида қамраб олинган болалар сони 14478 нафарни, қамраб олинмаган болалар сони эса 5125 нафарлиги аниқланди. Ўрганишлар давомида аниқланган қамчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларга 6 та, сессиялар муҳокамасига фақатгина Миробод туманидан масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва улар устидан самарали депутатлик назорати ўрнатилди.

Албатта, бу кўрсаткичлар партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини тўла рўёбга чиқариш учун етарли эмаслиги, бунинг учун депутатлар ўз ваколатидан самарали фойдаланишлари, ташаббускорликни янада оширишлари талаб этилиши таъкидланди. Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг партия Сайловиди дастури бўйича амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалари ҳамда фаолиятга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

### "ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари  
ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул  
қилинади. Маълумотлар учун телефон:  
233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.  
Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй, 2-қават, 225-хона.**

## Маънавият

### АДИБ АСАРЛАРИ АЖДОДЛАРГА МЕРОС

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Матёқуб Қўшонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ижодий кеча ўтказилди. Маданият вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиди.**

Ижодий кечада сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш, китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида дастуруламал ишлар амалга оширилатганини таъкидлади. Ўзбек адабиёти ривожига салмоқли хисса қўшган Матёқуб Қўшоновнинг адабий мероси, асарлари мазмунан ва моҳиятан бугун ҳам долзарб эканлиги қайд этилиб, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги унутилмас хотиралар ёдга олинди.

Матёқуб Қўшоновнинг илмий ишлари XX аср адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий таъкид ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ҳамда ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланган. Тадқиқотларда А.Қодирий, А.Қаҳҳор, П.Қодиров, О.Ёқубов, А.Орипов сингари ёзувчи ва шоирларнинг маҳоратини кўрсатиб берган, бадиий асарлардаги сюжет, композиция, характер ва конфликт масалаларини таҳлил қилган.

Олимнинг "Тепки босилди", "Алам", "Армон", "Ўзбекининг ўзлиги" каби бадиий-биографик асарлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан адиб икки жилдлик "Адабиёт назарияси", "Ўзбек тилининг изоҳли лугати", "Русча-Ўзбекча лугат" ва беш жилдлик "Ўзбек адабиёти тарихи" нашрларининг яратилишида ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшган.

Матёқуб Қўшонов самарали хизматлари учун давлатимиз томонидан "Эл-юрт ҳурмати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган.

## МУСАВВИР ИЖОДИГА МОЗИЙДАН НАЗАР

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида rassom Николай Шин таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.**

Николай Шин 1944-1948 йилларда Беньков номидаги Республика rassomлик билим юртида таҳсил олади. 1960 йилларда Тошкент театр ва rassomчилик институтида ўқийди. 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган Халқро ёшлар ва болалар фестивалида унинг асарлари биринчи ва бош совринга лойиқ деб топилди.

Мусаввир 20 йилдан ортиқ вақт давомида "Севги афсонаси" ва "Реквием, Хотира йўли" йўналишида рангтаъсир устида ижод қилади. "Севги афсонаси" туркумида юздан ортиқ Шарқ мумтоз шеърини мавзусида асарлар яратди. Rassom романтик ва абстракт йўналишида ижод қилган. У ўзбек ва корейс халқларининг анъанавий халқ декоратив амалий санъати асосида ҳам жуда кўплаб асарлар яратган. Мусаввирнинг ижодий изланиш услублари турлича бўлишига қарамай у чизган суратлар ички бирдамликка эга бўлиб, замонавий rassomнинг мураккаб ва драматик маънавий олами очиб берган.

Кўргазмада rassomнинг 200 дан зиёд асарлари намойиш этилмоқда.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## АМАЛИЁТ ЭЪТИРОФИ — 2018

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети талабаларининг ёзги амалиёт натижалари сарҳисоби, намунали ижодий ишларини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида "Амалиёт эътирофи – 2018" анъанавий анжумани бўлиб ўтди.**

Унда марказий нашрлар, телевидение ва ахборот агентликлари масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этиди.

Университет проректори Н.Мамадов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори ўринбосари А.Ражабов, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Г.Бобонова, халқаро журналистика факультети декани А.Каримов ва бошқалар соҳа ходимлари зиммасида дунё ахборот маконида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга тезкор, ҳолис ва ҳаққоний муносабат билдирувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлашдек масъулиятли вазифа турганини таъкидлади.

Етук журналист кадрлар тайёрлаш, бу йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг амалий билимларини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг оммавий ахборот воситалари турлари ва мавзулар бўйича ихтисослашувида малакавий амалиёт жараёни муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети ва оммавий ахборот воситалари ўртасида мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, бу амалиётнинг самарали ташкил этилишига хизмат қилмоқда.

Мазкур анжуман талабаларнинг журналистик қобилияти ва ихтидорини эътироф этиш, уларни рағбатлантириш мақсадида университет раҳбарияти, факультет профессор-ўқитувчиларининг ташаббуси билан ўтказилди. Талабаларнинг журналистик ишлари профессионал журналист-амалиётчилардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан сараланди. Энг ихтидорли, деб эътироф этилган талабалар диплом, рамзий статуетка ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Моҳиғул ҚОСИМОВА,**  
ЎЗА муҳбири



## ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

**Учтепа туманидаги 9-сон шаҳар тугруқ комплексиди коррупцияга қарши курашишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман прокуратураси, адлия бўлими масъул ходимлари, тугруқхона шифокорлари, юридик хизмат ва касаб уюшмаси вакиллари иштирок этиди.**

Тадбирда сўзга чиққан шифохона раҳбари Улуғбек Бегжонов ва бошқалар коррупция жамият тараққиётига путур етказувчи иллат эканлигини, унинг олди олинмасга, унга қарши курашилмасга ҳар қандай ташкилотда ривожланиш бўлмаслигини таъкидлаб ўтишди.

Учтепа тумани прокурор ёрдამчиси Ўткирхон Баҳодиров Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида мазкур қонуннинг 9-моддасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб батафсил тушунчалар бериб ўтди.

Тадбирда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиниши, бу иллатга чек қўйилишини таъминлаш, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида сўз юритилди.

Инсон шакли, кадр-қиммати барча нарсадан устун. Шундай экан, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Коррупцияга қарши курашишда қонуннинг 7-моддасига асосан ваколатли давлат органларининг асосий вазифала-

ри белгиланган бўлсада, жамоатчилик асосида ҳамжихатлик билан барча бирдек курашгандагина бунга чек қўйилиши айтаётган бўлади.

Бунинг учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, қонунлардан хабардор бўлиб бориши талаб этилади. Шу мақсадда туман адлия бўлими томонидан электрон почта ва телеграм тармоқлари орқали тумандаги барча давлат органлари, қорхона, ташкилот ва муассасаларга қонунчиликдаги янгиликлар, қўшимча ва ўзгаришлар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Аммо айрим ташкилотлар бу масалага ҳанузгача бепарволик билан қараётгани айтилади. Ачинарлиси шундаки, қонун қабул қилинганга салкам 2 йил вақт бўлишига қарамай ҳанузгача қўлчилик бундан беҳабар. Бу эса халқ ўртасида тарғиботни кучайтириш кераклигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир мутасадди ходим авваламбор, қонунга итоат этиши, биринчи ўринда ўзини ва ўзгана ҳурмат қилиши, ёруғ юз билан эл-юрт хизматини адо этиш инсон ҳаёти учун энг катта бахт эканлигини яхши англаган ҳолда ишлаши лозим. Коррупция деган иллатнинг авж олишига йўл қўйилмасга жамиятимиз янада ривожланиб бораверди.

**Гўзал АБДУВАЛИЕВА,**  
9-ШТК юридик хизмат ходими



## ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Яшнобод тумани "Баркамол авлод" болалар марказида "Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар "Бадий ижодиёт йўналишида энг замонавий тўғарак раҳбари", "Улкашунослик ва экология йўналишида энг яхши гоа муаллифи" номинациялари бўйича баҳсланди.

Танловда тўғарак раҳбарларининг салоҳияти, билим ва кўникмаларини баҳолаш учун тест ва очиқ саволлар тақдим этилди. Уларнинг ички дунёси билан танишиш мақсадида амалий дарс ўтиш, суҳбатлар ташкил этиш ва тўғарак фаолияти жараёнига инновацион ёндашиш методларини қўллаш жиҳатлари алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани "Баркамол авлод" болалар марказидаги "Оила ҳамширалиги" тўғараги раҳбариман, – дейди ЎЗА мухбирига Севара Саидалиева. – 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизларга уй шароитида беморни даволаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва шахсий тозалик қоидаларига амал қилиш бўйича сабоқ берилган. Бунда, аввало, соҳага қизиқувчи, ушбу амалиётларни астойдил бажаришни хошлайдиган, касбга садоқат ва масъулият билан қарайдиган ёшларни саралаб оламиз. Ҳозирга қадар юзга яқин шогирдим бор. Улар орасида ўз устида ишлаб, ютуқларга эришадиган, олий ўқув юрларида тахсил олаётган ёшларимизнинг ҳам борлиги мени қувонтиради. Ушбу танлов тажриба алмашишда, салоҳиятнинг намоён этишида зўр имконият бўлди.

Кўрик-танловнинг куйи босқичларида 1 минг 200 нафардан ортиқ тўғарак раҳбарлари иштирок этиб, вилоят босқичида биринчиликни қўлга киритган 42 нафар иштироки мамлакат босқичида сараланди.

Ҳозирга қадар тахсил олаётган ёшларимизнинг махсус сертификати, диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилобар МАМАТОВА

## СУРАТ ВА СИЙРАТ

**Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалол таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан рассомнинг "...Ва ўшанда барчаси бошланди!" номли шахсий кўргазмаси очилди, дея хабар беради ЎЗА.**

Унда давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари, таниқли рассомлар, маънавият тарғиботчилари, академиклар, кенг жамоатчилик ва журналистлар иштирок этиди.

Кўргазмада рассомнинг 100 га яқин асарлари намойиш этилди.

Баҳодир Жалол Шарқ каллиграфиясидан илҳомланиб абстракт асарларда ўз изланишларини давом эттирмоқда. Рассомнинг янги лойиҳаларида кўплаб маданий иборалар ва биримлик бор. Унинг Европанинг буюқ усталари ҳамда анъанавий ўзбек санъати эстетикасига мурожаати ўрганилмаган оламни очиб билан тенгдир.

Рассом асарларини кузатаркансиз, буюқ авлодлари сингари юксакликка, ўзига хос уйғунликка интилиши, драматик туйғулари ҳис этишга лоқайд эмаслигини сезиш мумкин. Ижодкор янги лойиҳалари билан шафқатсизлик ва лоқайдликка, хунрезликларга қарши курашади.

Кўргазма 29 ноябргача давом этади.

Гулноза БОБОЕВА

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат техника университети томонидан Сагатов Ирода Мирабдиловна номига 2000 йилда берилган В № 014502 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Ўзбекистон қаратэ миллий федерациясининг амалдаги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон қаратэ миллий федерацияси деб номланган думалоқ муҳри 2018 йил 16 ноябрдаги №3 сонли буйруққа асосан бекор қилинганлиги ва ҳозирда шу буйруққа асосан янги Ўзбекистон қаратэ миллий федерацияси WKF деб номланган думалоқ муҳри тасдиқланганлигини маълум қиламиз.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 17 ноябрда Тошкент шаҳрида 17 ноябрь кунини ҳаво ўзгариш турари, ёгингарчилик бўлмади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 13-15 даража илқ бўлади.

## ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

**Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз айни кунларда БААда бўлиб турибди.**

Гап шундаки, 20 ноябрда қадар БААда футбол бўйича халқаро мусобақа ташкиллаштирилди. Дубайда бошланган халқаро турнирда Равшан Ҳайдаров

шогирдлари Япония, Кувайт ва БАА олимпия терма жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб боришмоқда. Ушбу халқаро турнир 2020 йилда Япо-

ниёда уюштирилладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олишни истаётган олимпиячиларимизга тайёргарлик вазифасини ўтайди.

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРГА МЕЗБОН

**Марказий Осиё футбол ассоциацияси (CAFA) CAFA Womens Championship 2018 халқаро турнирига мезбонлик қилади. Ушбу мусобақда Ўзбекистон аёллар терма жамоасидан ташқари Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон терма жамоалари ҳам иштирок этишади.**

Баҳром Нурсафаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоамиз 18 ноябрдан мазкур турнирда тайёргарлик кўриш мақсадида "Чигатой" спорт базасида ўқув-машғулот йиғинига киришади. Турнир бир даврал

тизимда уюштирилади. Демак, ҳар бир терма жамоа 4 тадан ўйинда майдонга тушади.

Биз аёллар терма жамоамизга халқаро турнирда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## Футбол янгиликлари

### ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXVII миллий чемпионати иккинчи босқичи 30-тур баҳслари юқори олтиликдаги етакчи клубларга муҳим уч очко тақдим этди.**

Ушбу турда чемпионлик сари дадил интилаётган "Локомотив" жамоаси ўз майдонида "Бухоро" билан куч синашди. Очиғини айтиш керак, меҳмонлар амалдаги чемпион жамоага муносиб қаршилик кўрсата олишмади. 90 дақиқа давом этган ўйин темирўлчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтди ва 4:0 ҳисобидаги натижа билан яқунланди. Меҳмонлар дарвозасини А.Исмоилов, Т.Абдуҳолиқов, С.Шоаҳмедов, А.Омонов аниқ нишонга олишди.

Назарий жиҳатдан чемпионликка даъвогар "Пахтакор" жамоаси агар ушбу турда очко йўқотганида, темирўлчилар чемпионликни нишонлашар эди. Аммо, "Пахтакор" марказий стадионида "Металлург" жа-

моасини қабул қилган пахтакорчилар кескин курашлар остида, шиддатли кечган баҳсда 2:1 ҳисобида зафар кучишди ва муҳим уч очкога эга бўлишди.

Голларга "Пахтакор"дан – Т.Безерра, Б.Абдурахимов, "Металлург"дан – А.Хусаинов муаллифлик қилишди.

Суперлиганин куйи олтиликда сўнгги поғонада бораётган "Нефтчи" ўз майдонида "Сўғдиёна"га 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйиб, муҳим очколардан маҳрум бўлди.

Турнинг қолган учрашуварларида куйидаги натижалар қайд этилди: АГМК – "Кўкон – 1912" – 1:3, "Навбаҳор" – "Бунёдкор" – 1:0, "Қизилқум" – "Насаф" – 2:0.

## Тиббиёт

### САЛОМАТЛИК ГЎЗАЛЛИКНИНГ УЗВИЙ БОҒИЧИ

**Тўғри ҳаёт кечирish ва маълум гигиена қоидаларига амал қилиш тўғри овқатланиш, вақтида дам олиш, турли зарарли одатларга ружу қўймаслик инсоннинг соғлигини мустаҳкамлаш билан бирга унинг гўзаллигини сақлашга ҳам яқиндан ёрдам беради.**

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий поликлиниканинг терапевти Райхон Турдиева айнан шу хусусда бизга керакли бўлган кўп тиббий маълумотларни берди.

– Зарарли одат соғлиқ ва гўзалликнинг душмандир, – дейди Райхон опа. – Меъёрида овқатланмаслик, чекиш ва спиртли ичимликларга ружу қўйиш шулар жумласига киради. Айниқса, ортиқча овқатланиш нафақат семириш, балки соғлигимизга ҳам зиён етказиши. Семиз одам кам ҳаракат, бесўнақай бўлиб қолади, кўп терлайди. Бундай кишиларнинг териси кизаради, юзи ялтирайди, томирлари ўйнаб чиқади, бақбақаси осилиб қолади. Ўтишдан олдин кучли овқат ейиш ва кўп суюқлик ичиш юз шишишига, кўз остининг салқини сабаб бўлади. Семиз кишиларда туз кўп ажралганлиги туфайли кўл ва оёқ бармоқлари хунуклашади. Қадди-қомати бузилади, юриш ўзгаради. Чекиш ҳам зарарли одатлардан биридир. Чекиш нафақат умр қисқариши, балки турли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Чекувчилар ичида сил билан оғриганлар икки ҳисса кўп, ўпка, лаб ва оғиз бўшлиғи ва трахея раки кўплаб учрайди. Никотин атеросклерозни ривожлантиради, қон босимини оширади, қон томирларининг қисилиши ва тамаки гипертониясига сабаб бўлади. Жумладан, марказий нерв системасига салбий таъсир этади, зехни ўтмас-

лаштиради, ақлий фаолиятни сусайтиради. Айниқса, чекувчи аёллар терисининг табиий ранги йўқолади, тери қуруқ ва сарғиш тусли бўлади, баъзан қон томирлари кўриниб туради. Бармоқларининг учи ва тишлоқлари, тиши ҳам сарғайиб кетади. Аёлларнинг нафис териси юқалашади, эластиклигини йўқотади, қораяди ва майда ажинлар босади. Чекувчи хотин-қизлар латофати, жозибadorлигини йўқотади, кўполлашади ва эркак табиат бўлиб қолади. Нозиклик ва нафисликни қадрай билладиган ҳар қандай қиз ва аёл чекишдек зарарли одатга қарши курашиши керак. Алкоголь ичимликлар ҳам инсониятнинг энг хавфли душмани. Спиртли ичимликлар истеъмол қилинганда тормозланиш реакцияси сусаяди, ҳаракатлар тўлиқ назорат қилинмайди. Бепарволикка, сержаҳлликка ва уйқусизликка олиб келади.

Дарҳақиқат, соғлиқ ва гўзаллик душмани бўлмиш зарарли одатларга қарши чидам ва матонат билан кураш олиб бориш ҳар биримизнинг вазифамиз. Айниқса, биз ёшлар бу борада янада ақл-заковат билан иш олиб боришимиз ва зарарли одатларга муқкасидан кетаётган тенгдошларимизга ёрдам беришимиз зарур ва шарт. Зеро, ёшлиқнинг ўзи гўзал ва тақорланмасдир, унинг кадрига етайлик, азизлар.

Мухлиса ДОНАБАЕВА

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 10-ўйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Олмазор филиали биносида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан ушбу ишларни бажариш бўйича қурилиш ташкилотлари ўртасида

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (0371) 248-87-37, 248-78-80.

Нархлар кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.



## БОҒЧАДА МЕҲРЖОН БАЙРАМИ

**Куз шундай фаслки, бунда барча сабзавот, меваю полиз маҳсулотлари фарқ пишади. Дарахт япроқлари сарғайиб ерга тушади. Куз ҳосилни йиғиш палласи, бободехқон меҳнатининг самараси кўринадиган пайт. Шу туфайли дастурхонларимиз тўкин-сочин.**

Шайхонтоҳур туманида жойлашган 211-мактабгача таълим муассасасида "Меҳржон – ҳосил байрами муборак" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда болажонлар томонидан ижро этилган театрлашган сахна кўринишлари барчага хушқайфият бағишлади. Кичкинтойлар анор, олма, анжир, беҳи, қовун-тарвуз, нок шаклидаги суратларни тақиб шеърлар ўқишди, қўшиқ куйлаб, рақс ижро этишди.

– Муассасамизда юз нафарга яқин жажжи кичкинтойлар таълим-тарбия олишади, – дейди 211-МТМ мудираси Дилдора Абдуқодирова. – Бу ерда ҳар бир байрам ўзига хос кўтаринки руҳда нишонланади. Болажонларни ушбу тадбирга тайёрлашда тарбиячиларимиздан Дилбар Усмонова ҳамда Наргиза Мирзаеваларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бир-бирдан чиройли, ораста кийинган кичкинтойларнинг рақсга мос ҳаракатлари, шеър орқали юртга, бободехқонга эҳтиромлари кўтаринки руҳда ифода этилди.

Ж.ЭЛИМОВ



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4268 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюқ Турк кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпириди: 15.00